Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz
OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 4 (2024) · “Milliy iqtisodiyotni barqaror rivojlantirish va yuqori iqtisodiy o‘sish sur’atlarini t... DOI: 10.5281/zenodo.24320951

ta’minlashning ustivor yo‘nalishlari’’ mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

бажарилмайди. Маълум даражада солиқ тўловчи солиққа тортилишдан қочишга имкон беради. Ушбу имтиёзнинг асосий мақсади реал иқтисодиётга инвестицияларни рағбатлантириш ҳисобланади.

Адабиётлар руйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 2019.

2.А.Ваҳобов, А.Жўраев Солиқлар ва солиққа тортиш: Дарслик / Т.: 2007. 63 бет.

3.И.А.Майбурова Налоги и налогообложение: учебник для студентов вузов /. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2017. - С.478..

4.В.Г.Пансков Налоги и налогообложение в Российской Федерации. - М.: ЮНИТИ, 2014. - С.423.

5.Д.Г.Черника. Налог на прибыль служит значительным источником формирования доходной части бюджетов разных уровней Налоги: Учебное пособие / - М.: Финансы и статистика, 2016. - С.192.

6.И.В. Новиков Особенности нормативно-правового регулирования порядка формирования налоговой базы по налогу на прибыль организаций при осуществлении расчетов с персоналом по оплате труда // Право и жизнь. - 2015. - № 122(4). - С.27.

7.С.В.Земляченко, М.С.Мухин Новое в исчислении налога на прибыль: глава 25 НК РФ с учетом поправок // Главбух, Отраслевое приложение “Учет в сфере образования”. - 2016. - №3. - С.24.

8.И.Ю.Комарова Налогообложение прибыли предприятий и проблемы совершенствования законодательной базы //Финансы. - 2016. - №3. - С.31-35.

9.https://www.soliq.uz-Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

10.Комарова И.Ю. Налогообложение прибыли предприятий и проблемы совершенствования законодательной базы //Финансы. - 2016. - №3. - С.31-35.

11.Колчин С.П. Проблемные вопросы практики налогообложения //Финансы. - 2015. - №4. - С.42.

12.Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Адолат. 2019 й.

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Турдикулова Гулмира Обидқул қизи
Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторант
gulmiraturdiqulova99@gmail.com

Аннотация.Мазкур мақолада мамлакатимизда солиқ тизимида мавжуд имтиёзлар, уларнинг турлари ва тартибга солиш асослари, унга таъсир этувчи омиллар гуруҳи, солиқ тизимининг амал қилиш тамойиллари ёритилган бўлиб, статистик маълумотлар асосида солиқ тизимидаги мавжуд муаммолар таҳлил этилган ва уларнинг ечими бўйича таклиф-тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: солиқ, имтиёз, солиқ концепцияси, солиқ тўловчи, ундириш механизми, солиқ объекти, солиқ субъекти, солиқ сиёсати, солиқ воситаси, солиқ тизими.

Иқтисодиётни ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, кичик бизнесни ривожлантириш, биринчи навбатда, катта миқдорда маблағни талаб қилади. Бу вазифаларни амалга

Published: 23.12.2024

Cite this article: Турдиқулова Гулмира Обидқул қизи (2024). Солиқ имтиёзларини тартибга солишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари. Emro Science and Education, 1(4). https://doi.org/10.5281/zenodo.24320951

© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

ошириш механизмларидан бири, бу давлат томонидан хўжалик юритувчи субъектларга солиқларни тўлашда имтиёзлар беришдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакатимиз Олий Мажлисига Мурожаатномасида «Барча бизнес тоифалари учун солиқ юкини камайтириш ва қулайлаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш зарур. Ўз эҳтиёжи учун объектлар қураётган, янги ташкил этилган кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига ягона солиқ тўловини маълум муддатга кечиктириш ҳуқуқини бериш даркор. Солиқ имтиёзлари беришда индивидуал ёндашувлардан воз кечиб, уларни фақат иқтисодиётнинг маълум тармоқлари учун қўллаш амалиётига ўтишни таклиф этаман» - деб таъкидлаган эдилар[125].

Шундан келиб чиқиб, хорижий инвесторлар учун соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлашга қаратилган солиқ ва божхона сиёсатини юритиш, яъни улар учун солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш механизмларини соддалаштириш, солиқ имтиёзларининг таъсирчанлигини ошириш бўйича муайян ишларни амалга оширишни тақозо қилади.

Демак, иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг омили вазифасида солиқ имтиёзлари ҳам муҳим таъсирга эгалиги маълум бўлиб қолмоқда. Давлат иқтисодиётга таъсир этиб уни тартибга солиш вазифасини амалга оширадики, бунда турли хил дастаклардан фойдаланади. Бу дастакларнинг асосийларидан бири - жамиятдаги баъзи муҳим соҳаларни ёки солиқ тўловчиларнинг фаолиятини рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзларини белгилашдир. Яъни, давлат солиқ имтиёзлари орқали иқтисодиётни самарали ва қулай бошқариш ёки тартиблаш имкониятига эга бўлади, бундан кўринадики, солиқ имтиёзлари давлатни ўз функция ва вазифаларини юзага чиқарувчи муҳим дастак сифатида юзага чиқади. Солиқ имтиёзлари қўлланилишининг асосий сабабларидан яна бири миллий даромадни қулай, самарали ва оқилона тақсимлашга эришишдан иборатдир. Яъни, бундан солиқлар сифатида бюджетга жалб этилиши лозим бўлган молиявий ресурслар имтиёз бериш туфайли бюджетга жалб этилмасдан солиқ тўловчиларнинг ўзларига мақсадли равишда қолдирилади. Бунинг афзаллик томони шундаки, солиқ тўловларини бюджетга олиш ва уни яна қайта тақсимлаш ишларини осонлаштиради ва иш фаолият турларини рағбатлантиришга эришилади.

Шундан келиб чиқиб қараганда, мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни замон талабларига мослаштириш, жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотлар билан чиқишда солиқ имтиёзларининг аҳамияти ортиб бормоқда. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида солиқ ислоҳотларини самарали юритиш мақсадида солиқлар воситасида таъсир этиш, улар бўйича имтиёзларни қўллаш, иқтисодиётнинг турли соҳаларини бир текис ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлат солиқ имтиёзларини қўллаш орқали иқтисодиётнинг турли соҳаларига турлича таъсир кўрсатади, яъни айрим рентабелли ва норентабелли соҳалар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш муаммоси юзага келади.

Солиқ имтиёзларининг моҳиятини тадқиқ қилишдан олдин, биринчи навбатда, «солиқ имтиёзлари» тушунчаси мазмунини тушуниш, унинг хусусиятларини белгилаш, бошқача айтганда, унинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш керак. Демак, «солиқ имтиёзи» атамасига берилган таърифлар ва илмий қарашларни кўриб чиқишимиз лозим. Бу бўйича меъёрий ҳужжатлар ҳамда

[125] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев мамлакатимиз парламенти - Олий Мажлисига тақдим этган Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси 2018 йил 29 декабрь, № 271-272 (7229-7230) 3-бет.

тадқиқот олиб борган хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг «солиқ имтиёзи» тушунчасига нисбатан қарашларини келтириб ўтамиз.

Солиқ кодексининг[126] 30-моддасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларга «...солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўлов тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар» - дея таъриф берилган.

И.М.Александров фикрича, солиқ имтиёзи – солиқ тўловчига (субъектига) бошқа солиқ тўловчига нисбатан солиқ миқдорини камайтириш ёки афзаллик тақдим этиш деб тушунилади[127].

А.В.Аронов ва В.А.Кашин таърифича «солиқ имтиёзи –солиқ тўловчига қонунчиликка асосан солиқ суммаси ва солиқ базасидан чегирма берилиши (озод этилиши, кечиктириш, солиқ кредити, солиқ чегирмалари, солиқ ставкасини камайтириш)» [128]. К.Яҳёев солиқ имтиёзи - солиқ тўловчиларни солиқдан озод этиш, улар тўлайдиган солиқ миқдорини (солиқ базасини) камайтириш ёки солиқ тўлаш шартини енгиллаштиришдир[129]. Ш.Гатаулин «солиқ имтиёзлари амалдаги қонунларга мувофиқ равишда солиқлардан тўлиқ ёки қисман озод қилишдир (скидкалар, чегириб ташлашлар ва ҳоказо)» [130].

И.А.Завалишина фикрича, солиқ имтиёзи – деганда солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига бошқа солиқ тўловчилар билан қиёслаганда солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган афзалликлар берилиши, шу жумладан солиқ(йиғим) тўламаслик ёхуд кам ҳажмда тўлаш имконияти тушунилади[131].

О.Т.Юлдашевнинг фикрича эса: Солиқ юкининг оғирлигини камайтириш ва солиқ тўловчиларнинг янада самарали фаолият кўрсатишларини рағбатлантириш мақсадида бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга ўрнатилишининг қонунийлиги, индивидуаль ва дискриминацион характерда бўлмаслиги, қўлланилишининг ихтиёрийлиги ва муддатсизлиги ҳамда солиқ афзаллик (қулайлик)ларнинг яратиш тарзида берилиб, солиқ мажбуриятларини камайтирувчи енгилликларга солиқ имтиёзлари дейилади[132].

З.Курбанов ва Ф.Акрамов солиқ имтиёзларининг моҳиятини очиш мақсадида уни назарий жиҳатдан уч гуруҳга бўлиб ўрганишган:

– солиқдан тўлиқ ёки қисман озод этиш;

– солиқдан чегирмалар;

– солиқ кредитлари (солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар) [133].

Солиқ имтиёзлари солиқ механизмидаги энг муҳим усуллардан бири бўлиб, у иқтисодий жараёнларни амалга оширишга, бизнесни ривожлантириш

[126] Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 2019 й
[127] Александров И.М. Налоги и налогообложение: Учебник.–7-е. изд., перераб. И доп..- Издательско-торговая корпорация “Дашков и Ко”. 2007 г. – 314 с.;
[128] Аронов А.В., Кашин В.А. Налоги и налогообложение: Учебное пособие–М.: Магистр. 2007 – 52 с.;
[129] Яҳёев К. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Т.: “Меҳнат”. 1997. 20-бет.
[130] Гатаулин Ш. Солиқлар ва солиққа тортиш. Т.: 1996. 74-бет.
[131] Завалишина И.А. Солиқлар: назария ва амалиёт. Ўқув қўлланма. Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи. 2005-14 б.
[132] Юлдашев О.Т. Ўзбекистон республикасида солиқ имтиёзларини такомиллаштириш йўналишлари и.ф.н. диссертацияси, Т.: 2011 й. 22 бет
[133] Курбанов З., Акрамов Ф. “Солиқ имтиёзларининг молиявий ҳисобини такомиллаштириш масалалари” Бизнес-эксперт илмий журнали №9 2015

йўналишини белгилаб беради ва жамиятнинг ижтимоий тузилишини тартибга солиш усулидир.

Солиқ имтиёзларининг бугунги кунда қуйидаги турлари жаҳон амалиётида кенг қўлланиб келинмоқда:

9. олиб қўйиш;
10. чегирма;
11. солиқ ставкасини пасайтириш
12. солиқдан озод қилиш
13. солиқ тўловининг муддатини ўзгартириш;
14. солиқлар ва жарималар бўйича қарзларни қайта тузиш.

Олиб қўйиш - бунда солиқ тўловчидан маълум қисмини солиқ солинадиган базадан чиқариб юбориш ҳуқуқини берувчи солиқ имтиёзи. Чегирма солиқ тўловчига солиққа тортиладиган базани маълум миқдорда камайтириш ҳуқуқини беради. Солиқ ставкасини пасайтириш – солиқ ставкасини имтиёз сифатида камайтириш умумий тартибда белгиланган таърифлардан пастроқ ставкалар бўйича солиқ ва тўловларни тўлашга имкон беради. Умуман, солиқлар ва жарималар бўйича қарзларни қайта тузиш-солиқ тўловчиларга солиқ ва бож тўловлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бўзганлик учун қарздорлик, жарималар ва бошқа тўловларни тўлаш мажбуриятини бажариш муддатини узайтириш имконини беради.

Юқоридагиларнинг барчаси солиқ имтиёзларини муҳим иқтисодий дастак эканлигининг исботидир.

Адабиётлар руйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев мамлакатимиз парламенти - Олий Мажлисига тақдим этган Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси 2018 йил 29 декабрь, № 271-272 (7229-7230) 3-бет.

2.Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 2019 й

3.Александров И.М. Налоги и налогообложение: Учебник.–7-е. изд., перераб. И доп..- Издательско-торговая корпорация “Дашков и Ко”. 2007 г. – 314 с.;

4.Аронов А.В., Кашин В.А. Налоги и налогообложение: Учебное пособие– М.: Магистр. 2007 – 52 с.;

5.Яҳёев К. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Т.: “Меҳнат”. 1997. 20-бет.

6.Гатаулин Ш. Солиқлар ва солиққа тортиш. Т.: 1996. 74-бет.

7.Завалишина И.А. Солиқлар: назария ва амалиёт. Ўқув қўлланма. Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи. 2005-14 б.

8.Юлдашев О.Т. Ўзбекистон республикасида солиқ имтиёзларини такомиллаштириш йўналишлари и.ф.н. диссертацияси, Т.: 2011 й. 22 бет

9.Курбанов З., Акрамов Ф. “Солиқ имтиёзларининг молиявий ҳисобини такомиллаштириш масалалари” Бизнес-эксперт илмий журнали №9 2015

O‘ZBEKISTONDA SOLIQ SIYOSATINI TAKOMILLASHTIRISHNING USTIVOR YO‘NALISHLARI

Saydakbarova Madinaxon Anisbekovna
TDIU Andijon fakulteti, “Mutaxasislik, ijtimoiy-gumanitar va aniq fanlar” kafedrasi katta o‘qituvchisi
Egamnazarov Murodali Alinazar o‘g‘li